

Ёш оилаларга психологик ёрдам

Олим, мутахассисларнинг фикрига кўра ҳар қандай жонзотнинг илк ривожланиш жараёни унинг келажагини белгилайди. Яъни, Абу Али ибн Синонинг фикрига кўра "Ҳар қандай тирик жисм идрокка ва ҳаракатга эга бўлмоғи даркор." фарзанд

Ҳаёт давомида болалар катта авлод вакилларидан ўзига қарши жинс вакилларига нисбатан муносабат тўғрисида анчагина маълумот оладилар, никоҳ, оила ҳақида, хулқ меъёрларини ўзлаштирадилар. Уларда ўртоқчилик, дўстлик, ғурур ва бурч сингари туйғулар эрта ривожланади. Буларнинг бари қимматли бўлишига қарамай, ҳозирги бизнинг тезкор ҳаётимизда буларнинг табиий равишда юз беришининг ўзи камлик қилади. Шу сабабдан, унга махсус тайёргарлик кўриш вазифаси, асосан, мактаб ва оила зиммасига юклатилади. Бунда ёшлар умр йулдоши ва ота-она мажбуриятлари, бола тарбияси билан боғлиқ мажбуриятларни бажаришга ўрганадилар.

Бу борада И.В.Гребенников шундай дейди: ўсиб келаётган ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ўз ичига ушбу жиҳатларни қамраб олмоғи лозим:

1. Никоҳ-оила ва демография хусусида давлат сиёсатини очиб берувчи, шунингдек, никоҳ-оила муносабатлари, оиланинг ўрни, оилавий қадриятлар, ота-она ва келин-куёвларнинг ижтимоий роли хусусида жамиятнинг фикрини ифода этувчи ижтимоий-демографик;

2. Ўз ичига қуйидаги ахлоқий фазилатларни: ўзга жинс вакилига нисбатан дўстона муносабатда бўлиш, ота-онасига, катта-кичikka нисбатан ҳурмат, болалар тарбиясига эҳтиёж, масъулиятлилик, ишонч, ҳалоллик, ўзини тутиш, мулойимлик, ён босиш, умр йулдошига, болаларга нисбатан бурчни ҳис этиш, интим ҳиссиёт маданияти кабиларни қамраб олувчи ахлоқий-этник;

3. Никоҳ ва оилага оид қонунчиликдан бохабар бўлиш, оила ҳуқуқининг аҳамиятга молик йўриқномаларини билиш, келин-куёвларнинг бир-бирига, болаларга ва жамиятга нисбатан мажбуриятларини билиш сингари ҳуқуқий;

4. Шахснинг ривожланиши тушунчасини шакллантирувчи ўсмирларнинг шахслараро муносабатларининг руҳий жиҳатлари, никоҳ ва оилавий ҳаётнинг

рухий асослари, бошқаларнинг руҳиятини тушуна билиши, турмуш ва оила ҳаётида зарур бўлувчи туйғуларнинг ривожланиши, мулоқот қилиш кўникмаларига эга бўлиш сингари рухий;

5. Жинсий ҳаёт, шахсий гигиена масалаларини, эркак ва аёлнинг жисмоний алоҳидалиги каби билимларни ўзида мужассамлаштирган жисмоний-гигиеник;

6. Болалар тарбиясида оиланинг роли, унинг педагогик салоҳияти, оилавий тарбиянинг хусусиятлари, ота ва онанинг тарбияга ёндашувлари, ота-оналарда педагогик маданиятни ошириш йуллари шаклланиши билан боғлиқ педагогик;

7. Оила жамғармаси, маиший маданият, уй хўжалигини юритиш ва бошқаларни ўз ичига олган хўжалик-иқтисодий.

Оила авлодлар алмашуви жараёни таъсирида доимо ўзгариб туради. Бугунги кунга келиб ўзбек оилалари баъзи муаммоларга дуч келиб турибди. Ёшлар саломатлиги, аёлларнинг репродуктив саломатлиги, шаръий никоҳ, оталикни белгилаш, ажримларнинг кўпайиши, нотўлиқ оилаларнинг ортиб бориши, чин етимлик кўрсаткичининг ортиши ва миграциясининг ортиши каби долзарб муаммолар ўз ечимини талаб этмоқда.

Оила кодексига кўра, шаръий никоҳлар қонун билан кафолатланмайди. Мусулмонлар идораси муфтийсининг фатвосига асосан, никоҳи қайд этилмаган келин-куёвларга шаръий никоҳ ўқиш маън этилади. Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, республикада шаръий никоҳ асосида оила қураётганлар сони ортиб бормоқда. Бу ҳолат ёлғиз оналик ва оталикни белгилаш каби салбий кўрсаткичлар ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Оила шаклланиши ва ривожланишига салбий таъсир этувчи жараён никоҳнинг бекор қилиниши, яъни оиладан ажралишдир. Никоҳ эркинлиги ажралиб кетиш эркинлигини ҳам кўзда тутлади.

Ажралганларнинг кўпчилиги ёш оилалар бўлиб, уларда ҳаётини кўникма ва тажриба йўқлиги ҳамда бир-бирига ён босишни хоҳламаслиги ажралиш учун асосий сабабларидан бирига айланган. Ёшларнинг оила қуришдаги ижтимоий-

иқтисодий ва маънавий етуклигининг паст даражадалиги оиланинг муваффақиятли яшаб кетишида бир қанча муаммоларни юзага келтирмоқда ва ажралишга сабаб бўлган.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш маъсадида эътиборни ыуйидагиларга ыаратишни лозим топдик.

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг асосий йўналишлари

Оилада соғлом фарзанднинг дунёга келиши кўплаб омилларга боғлиқ. Айниқса, туғилажак боланинг ота-онасининг соғлом бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Тарихдан маълумки, қадимий даврлардаёқ одамлар яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан ирсий касалликларга чалинган болалар ёки ўлик болаларнинг туғилиш эҳтимоли юқори эканлигини яхши англашган. Замонавий фан ҳам ушбу фактни тўлиқлигича тасдиқлайди. Ушбу йўналишда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг барчасида яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг хавфлилиги исботланган. Яъни, юқорида таъкидланганлардан хулоса қиладиган бўлсак, фан бундай никоҳларга мутлақо қарши. Шу билан бир қаторда дин ҳам бундай никоҳларга қаршилиқ кўрсатади.

Ҳозир XXI аср бўлишига қарамасдан, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ жамият ҳаётидан буткул чиқиб кетмаган. Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ушбу жиҳатнинг асосий сабаблари нимада?

Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг асосий йўналишлари:

- Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг хавфлилигини олимлар ўйлаб чиқарган, қабилдаги афсоналар. Одамлар доимо яқин қариндошлар ўртасидаги муваффақиятли никоҳлар ва улардан туғилган фарзандларга оид кўплаб мисоллар келтиришга тайёр туради.

- Миграцион омиллар. Ёш йигитларнинг катта қисми бир неча йилга яқин ва узоқ хорижга иш излаб кетишга мажбур. Бу эса қизларнинг танловини кескин камайтиради ва улар "кема бортидан ташқарида қолмаслик", яъни турмуш қуролмай қолмаслик учун яқин қариндошларга ҳам турмушга чиқишга розилиқ беришади.

· Гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлари истеъмол қилувчи ёшлар миқдорининг ошиб бориши. Ўз қизларини турмушга бераётган айрим оталар гиёҳванд куёв ёки алкоголик куёв муаммосига дуч келади. Ота-оналарда номаълумликдан қўрқиш ҳисси вужудга келади ва улар ишончли вариантдан фойдаланишга, яъни ўз қизларини ишончли бўлган қариндошларга турмушга узатишга мажбур бўлишади.

· Ота-оналарнинг молиявий ҳолати. Кўпинча оилавий бюджетдаги тақчиллик ва дабдабали тўйни ўтказиш имкониятининг чегараланганлиги ота-оналарни ўз фарзандларини яқин қариндошлар билан никоҳ қуришга мажбурлашига олиб келади.

· Ёшларнинг айрим гуруҳлари ўртасида ахлоқсизлик кўринишларининг кенг тарқалганлиги. Бундай ёшлар ўз ҳаёт тарзи сифатида "хорижий ҳаёт тарзи"нинг салбий томонларини танлашган. Бу ҳам мантиқсиз равишда ўз вақтини барлар ва дискотекаларда ўтказиш, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, никоҳгача бетартиб жинсий ҳаёт кечириш. Бу жиҳатлар ҳам ота-оналарни чўчитади. Улар қизи ёки ўғлининг севгани ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмайди. Шундай қилиб, хатога йўл қўймаслик мақсадида улар келин ёки куёвга номзодларни яқин қариндошлар доирасидан излашади.

· Бой-бадавлат оилаларда ўз бойлигини кўкка совурмаслик мақсадида бегоналар билан қариндошлик ришталарини боғламаслик тенденцияси мавжуд. Бу жиҳат ёлғиз фарзанд вояга етаётган оилалар учун характерлидир. Бундай вазиятда улар ўзлари ва бойликларини кафолатлаб қўйиш мақсадида яқин қариндошлар билан никоҳ ришталарини боғлашга интилишади.

Севги ва бахтли турмуш кечиришнинг асосий таркибий қисмлари

Оилавий турмушда эркак ва аёл — нафақат ҳамхона, бирга яшовчилар, балки умумий интилишлар ва ҳиссиётлар билан бирлашган алоҳида шахслардир. Ҳайвонот дунёсининг кўпгина вакилларида фарқли равишда аёллар ва эркаклар қисқа муддат ичида наслни давом эттириш мақсадида

қовушмайдилар, балки улар узоқ муддат давомида биргаликда ҳаёт кечиришади.

Оилавий ҳаёт шароитида ўз индивидуал хусусиятларга эга бўлган эр ва хотин кўп йиллар давомида бирга турмуш кечирилади, бу эса уларнинг бири-бирига мослашиши, кўникиши эҳтиёжини келтириб чиқаради. Ёшлик даврларида кексаликка нисбатан инсон руҳиятида рўй бераётган жараёнларда катта пластиклик, улардаги осон ўзгариш кўзга ташланади. Табиийки, эрта тузилган никоҳлар катта ёшда тузилган никоҳлардан кўра мустаҳкам бўлади, деган тасаввур ҳам келиб чиқиши мумкин. Лекин доим ҳам шунақа бўлавермайди. Қуйида оила қураётган ёшлар ўзаро муносабатининг психофизиологик асосларини схематик тарзда келтирамыз.

Қиз. Унинг энг яқин инсони ва барча масалалар бўйича маслаҳатгўйи онаси бўлади. Айнан она қизининг тўйга оладиган кийимлари, кимларни чақириш, ёшларнинг қаерда яшаши каби масалалар борасида маслаҳатлар беради. Она кўпинча куёвнинг характеридаги ижобий ва салбий жиҳатлар, унинг молиявий имкониятларини очиқ муҳокама қилади.

Келин уларнинг барчасини эшитишни исташи ёки истамаслигидан қатъи назар, онасини тинглашга мажбур, чунки ёш оила ҳали моддий жиҳатдан оналарга қарам бўлади. Бироқ келин ўз кўнглида тўйдан сўнг "барчаси бошқача бўлади" деб ҳисоблайди: у ўз турмуш ўртоғи билан ўз ҳаётини ўзи хоҳлаган тарзда қура олади. Унинг тасавурида эри оилаларида етарлича ҳурмат ва ўз ўрнига эга бўлмаган отасидан фарқ қилади.

Қиз бола учун куёв билан муносабатлар ва севилиш истаги одатий "мулойим сўзлар мусиқаси" ва умумий эътибордан иборат бўлади, жинсий яқинлик эса унда ҳатто кўрқувни вужудга келтирилади. Албатта, у никоҳдан кейинги оилавий ҳаётда жинсий яқинлашув рўй беришини билади, аммо, кўпинча эр-хотин муносабатларида унинг қандай аҳамиятга эга эканлиги қиз болани қизиқтирмайди ва унга интирмайди ҳам. Уни биринчи навбатда хотин, оила бекаси сифатидаги янги ролга ўтиш кўпроқ қизиқтиради.

Йигит. Ота-онасининг маслаҳатлари у учун катта аҳамиятга эга эмас. У келинга нисбатан муҳаббат ва назокат билан тўлиб-тошган, молиявий масалалар уни кўп қизиқтирмайди. Йигитда рашк туйғуси энг асоссиз сабабларга кўра ҳам уйғониши мумкин. У келиндан эътибор, мулойимлик ва меҳрибонлик қилишини кутади: келиннинг совуққонлиги уни саросимага солиб қўяди ва уни ҳайронлик ҳисси қамраб олади, чунки у келин ҳам ўз бошидан кечираётган туйғуларни бошидан кечириши лозим, деб ҳисоблайди.

Йигитда жинсий ҳаётга бўлган интилиш шу даражада юқори бўладики, у деярли ҳамма вақт ўз севгилисига эгалик қилишни орзу қилади. Юқорида келтирилганлар албатта, схема, аммо шуларнинг ўзи ҳам ёш оилалар олдида кўплаб психологик ва физиологик муаммолар турганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида эр-хотинлар ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонунчилик асосида тартибга солинади, ушбу қонунчилик асосини никоҳ ва оила тўғрисидаги Кодекслар ташкил этади.

Никоҳ — бу эркак ва аёл ўртасидаги ҳамда уларнинг фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи, тарихий нуқтаи назардан асосланган, тасдиқдан ўтган ва жамият томонидан бошқариладиган муносабатлар шакли. Никоҳ юридик ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлишининг энг муҳим шартларидан бири давлат ташкилоти — ФХДЁ бўлимида рўйхатдан ўтиш саналади. Эркак ва аёл ўртасидаги биргаликдаги яшаш тўғрисидаги келишув, шу жумладан, жинсий муносабатлар рўйхатдан ўтмасдан туриб эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтирмайди. Бу ҳам давлат ва жамият манфаатларини ҳамда эр-хотин ва уларнинг болалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида йўлга қўйилган.

Никоҳга кириш учун келин ва куёвнинг ўзаро розилиги ҳамда вояга етган бўлиши энг муҳим жиҳатлардан бири саналади. Ўзаро розилик келин ва куёв никоҳга кириш масалаларини ҳал этишда учинчи шахслар томонидан босимга учрамаслиги лозимлигини билдиради. Никоҳ тузишга учинчи шахслар, шу жумладан, қариндошлар томонидан қилинадиган қаршиликлар жинойи жавобгарликка тортиладиган хатти-ҳаракатлар сирасига киритилиши мумкин.

Қонун соғлом ва руҳий хаста ёки ақли заиф шахслар ўртасида никоҳни қайд этишни таъқиқлайди. Шунингдек, юқори ва қуйи авлодлар шажараси бўйича яқин қариндошлар, ака-сингиллар, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ўртасида никоҳ тузиш ҳам мумкин эмас. Шу билан бир қаторда битта умумий ота ёки онага эга бўлган ака-сингиллар (тўлақонли бўлмаган ака ва сингиллар) ўртасидаги никоҳ ҳам қонун томонидан таъқиқланган.

Оила қуриш орқали эр ва хотин шахслараро ва мулкӣ муносабатларнинг мураккаб мажмуасини бошдан кечиришади. Инсонларнинг бахтли ҳаёт кечириши учун муайян маънавий кадриятлар — муҳаббат, садоқат, ёнингизда қувонч ва қайғуни баҳам кўра оладиган, ҳаётнинг мураккаб йўлларида елкама-елка босиб ўта оладиган инсон борлигига ишонч бўлиши лозим.

Инсон темпераменти ва руҳий мослик

Оилавий ҳаётнинг муваффақиятли бўлишида нафақат физиологик мувофиқлик, балки руҳий мослик ҳам катта аҳамиятга эга. Оилавий яшаш инсонлар олдига нафақат тарбия ва атроф-муҳитдаги воқеликни баҳолаш, балки ирсият билан ифодаланадиган олий асаб фаолияти хусусиятлари — темперамент билан боғлиқ кўплаб муаммоларни ҳам қўяди. Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, инсоннинг темпераментини ўзгартириш имконияти мавжуд эмас.

Инсонларнинг руҳий хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланишини бундан бир неча минг йиллар илгари Гиппократ ёзиб кетган эди. У қувноқ сангвиник, вазмин флегматик, қизикқон холерик ва сусткаш меланхоликнинг характерини таърифлаб берган эди.

Темперамент олий асаб тизими типи — асаб тизимининг асосий хусусиятлари йиғиндиси: куч, вазминлик ва қўзғалиш ҳамда тормозланиш жараёнларининг ҳаракатчанлигига боғлиқ бўлади. Темпераментлардан бирини нисбатан "юқори" тоифали, яна бирини эса нисбатан "паст" тоифали деб баҳолаш хато бўлар эди. Турли темпераментли шахслар орасидан нафақат иқтидорли, балки даҳоларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Сангвиник ва

флегматик юқори иш қобилиятига эга деб саналади. Таниқли қўмондонлар ва сиёсий арбоблар орасида меланхоликлар деярли учрамайди, шу билан бирга илмий ходимлар ва ижодкорлар орасида уларнинг сони кўпчиликни ташкил этади.

Темперамент эр-хотиннинг оилавий ҳаётдаги хатти-ҳаракатларига ўзига хос таъсир кўрсатади. Оилавий ҳаётда инсонларнинг у ёки бу темпераментдагилар билан муносабатини моделлаштиришга уриниб кўрамиз.

Меланхолик таъби нозик ва ўта таъсирчан. Унга ўзини ранжитишгаётгандек ва ерга ураётгандек туюлади; паст овозда гапиради, ҳаётдаги қўнғилсизлик ва қийинчиликларни фожиа сифатида қабул қилади. У бугунги кундан кўра яхшироқдек туюлувчи ўтмиш ҳақида гапиришни яхши кўради, келажак ҳақида ваҳима билан фикр юритади. Кўпинча ҳаётдан, ишдаги муваффақиятсизликлар ва касалликлардан нолийди. Эр-хотин ўртасидаги ҳар қандай кескин суҳбат узоқ вақт давомида унга азоб беради; уни атайлаб ранжитишмоқчи ва ҳақоратлашмоқчи бўлишган, деб қабул қилади.

Флегматик энг мураккаб вазиятларда ҳам вазминликни сақлаб қолади, лекин барчасини ичига ютади: унинг юзидан ҳеч нарсани англаб бўлмайди. У консерватив, одатларини камдан-кам ҳолларда ўзгартиради, танишлари ва дўстлари кам бўлади, инсонлар билан чиқишиб кетиши қийин, аммо унинг садоқатига бемалол ишониш мумкин. Флегматиклар меҳнаткаш, олдига қўйилган мақсадларга эришишда саботли, пухта ва кўпинча муҳаббатига садоқатли бўлишади. Оилавий низолар вақтида вазминлигини сақлаб қолади, аммо низоларни узоқ вақт давомида унута олмайди.

Холерик фаол, тиришқоқ, зийрак, аммо ундаги бу сифатлар беқарордир. Кўпинча бесабр, ўзини тута олмайди, дадиллиги кучсиз ифодаланган. Ўз олдига қўйилган мақсадларга камдан-кам эришади, ҳеч нарса уни тўхтата олмайди. Кайфияти жуда тез ўзгаради, айрим ҳолларда бир дақиқадан сўнг ўзини қандай тутишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Қўполлик қилиши, ҳақоратлаши, аммо дарҳол тўхтатиши мумкин! Ўзини тия олмаслигини жиддий қабул қилади,

кечирим сўрайди. Хатти-ҳаракатлардаги бундай беқарорлик кўпинча оила низо чиқишига олиб келади.

Сангвиник билан оилада хотиржам ва қувноқ яшаш мумкин. У жўшқин, юқори иш қобилиятига эга, меҳнатсевар, рўзғор ишларида ҳам фаол иштирок этади — буларнинг барчаси унга муаммо туғдирмайди. Жамоатчилик орасида ўзини ишончли тарзда ва хотиржам тутати, инсонлар билан тез чиқишиб кетади, майда-чуйдалардан хафа бўлмайди, ҳаётга максималистик нуқтаи назари билан қарайди, ҳазилни ёқтиради. Сангвиник ўтмиш билан ўралашиб ўтирмайди ва келажак ҳақида ҳам кеўп қайғурмайди, у бугунги кун билан яшайди. Оилавий низолар пайтида ўзини хотиржам ва эҳтиёткор тарзда тутати, шеригини ранжитмасликка ҳаракат қилади. Атроф-муҳитга осон кўникади.

Темперамент соф ҳолда ўта кам учрайди. Кўпгина ҳолларда бир шахсда икки ва ундан ортиқ темпераментларга оид хусусиятлар учрайди. Ҳар бир инсонда бир-бирига қарама-қарши бўлган хусусиятлар ёнма-ён шаклланади, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам битта темпераментга оид белгилар бошқаларидан устунлик қилади.

Оила қуришда темпераментлардаги тафовутларни инобатга олмаслик мумкин эмас. Тасаввур қилинг, холерик ва меланхолик оила қуришди. Биринчи навбатда холерик ўзининг беқарор ва тийиқсиз характери билан дастлабки кунлардаёқ ўз шеригини шунчалик кўп хафа қиладики, турмуш ўртоғи бу хафагарчиликларни жиддий қабул қилиши оқибатида уларнинг ҳаётида мураккаб жараёнлар вужудга келади. Ёки эр ва хотин — иккаласи ҳам меланхолик — бу ҳаёт ўта зерикарли ва рангсиз бўлади, ҳар икки томон ҳам ўз саломатлиги ҳақида, касалликларни четлаб ўтиш борасида қайғуради. Агар ҳар иккаласи ҳам холерик бўлса-чи? Бу вазиятда нафақат оғзаки айтишувлар, балки муштлашувлар ҳам юз беришига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Оила учун нисбатан яхши жуфтликни қуйидаги темпераментлар ташкил этади: сангвиник ва меланхолик, флегматик ва холерик, сангвиник ва холерик. Сангвиниклар билан ҳар қандай темпераментдаги инсонлар муваффақиятли

ҳаёт куриши мумкин, чунки сангвиник шеригига мослашишнинг имконини топади оилавий ҳаётни керакли ўзанга тушира олади.

Афлотуннинг фикрича:"Аёл киши эркак кишига ўргатилган барча санъатлар, хаттоки, ҳарбий кўникмаларга ҳам эга бўлиши керак;

·энг соғлом болани 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган аёл дунёга келтиради, бунда эркак ёши 55 ёшдан ошмаган бўлиши керак;

·эр-хотин темпераменти турли бўлгани маъқул, чунки бу феъли яхши, оғир, вазмин наслни таъминлайди;

·маст ва сархуш ҳолда ҳомиладор бўлишга йўл қўймаслик керак, чунки бу келажакда бола учун ўта оғир оқибатларни келтиради.

Қобусномада эса қуйидагилар кўзда тутилади:"Агар ҳар фарзанд ақлли ва доно бўлса, ота-онанинг меҳри-муҳаббатини адо қилишдан бош тортмайди...

Сен ота-онанинг ҳақиқа дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг ҳам, ақл ва мурувват нуқтаи назардан риоя қил...чунки, сен ота-онанг ҳақиқа нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенга шундай иш қилади."

Фарзандга адаб, хунар ўргатмакни мерос деб билғил. Агар сен унга хоҳ адаб ўргатғил, хоҳ ўргатмағил турмуш машаққатларининг ўзи унга ўргатур. Ундоқким дебдурлар, фарзандни ота–она тарбияламаса, кеча ва кундуз уни тарбиялайдур."

Аёллар учун тестлар

Турмуш ўртоғингиз Сизга муносибми?

Севгидан фарқли равишда никоҳ ўта жиддий масала саналади. Жиддий муносабатлар ҳақида ўйлашдан олдин йигитнинг кўркамлиги ва даромади энг асосий жиҳатлар эмаслигини англаш лозим, шундай бўлсада, уларни бутунлигича ҳисобдан чиқариб ташлай олмаймиз ҳам. Бўлажак турмуш ўртоғингиз яхши ёки ёмонлигини, у ҳақиқий умр йўлдоши бўлиши мумкинлигини қандай аниқлаш мумкин? Ҳурматли аёллар, бизнинг тестимиз сизга бу қизиқарли, жозибали ва етарлича мураккаб вазифани ечишда қўл келади.